

«КЕЛИШИЛГАН»
«MADAD INVEST BANK»

АТБ
Бошкарув раиси

У.У. Таваккалов

(имзо ва мухр ўрни)
“02 Октябрь 2024 йил

«ТАСДИКЛАЙМАН»
«MY INSURANCE» АЖ

СТ
Винчарувраиси

М.Б. Кучаров

(имзо ва мухр ўрни)
“02 Октябрь 2024 йил

«Мададинвестбанк» АТБ билан ишлаш учун
**«ГАРОВГА ҚҮЙИЛАЁТГАН ТРАНСПОРТ ВОСИТАСИНИ СУГУРТАЛАШ»
ҚОИДАЛАРИ**

(Умумий сугурта соҳасининг 3-класс доирасида ишлаб чиқилган)

1-БЎЛИМ. УМУМИЙ ШАРТЛАР

1.1. “Суфурталовчи”, ушбу “Гаровга қўйилаётган мол-мулкни суфурталаш” Қоидаларининг (кейинги матнлара “Қоидалар” деб юритилади) 1-иловасига яъни Суфурта шартномаси (кейинги матнларда шартнома деб юритилади) да кўрсатилган микдор ва муддатда суфурта мукофоти тўланиши шарти билан ушбу Қоидаларда назарда тутилган шартларга мувофиқ суфурта ҳодисаси содир бўлгандা “Суфурта қилдирувчи”га шартномада кўрсатилган тартиб ва ҳажмда заарларни қоплаб бериш мажбуриятини олади.

1.2. Қоидалар “Суфурталовчи” ва “Наф” оловчилар томонидан имзоланади ва унинг нусхаси (сканер варианти) ушбу қоиданинг 1-иловасида келтирилган Шартномага ҳавола (QR-код) орқали жойлаштирилади. Кредит шартномасига асосан “Қарз оловчичи” деб юритилувчи томон мазкур ҳавола орқали ушбу Қоидаларда назарда тутилган шартларни сифатида иштирок этиш истагини билдиргани ҳамда ушбу Қоидаларда учинчи томон яъни “Суфурта қилдирувчи” сифатида иштирок этиш истагини билдиргани ҳисобланади.

1.3. Суфурта объекти мазкур Қоиданинг 1-иловасига мувофиқ мижознинг аризасида келтириб ўтилади.

2-БЎЛИМ. АТАМАЛАР

Ушбу Суфурта қоидаларида қўйидаги мазмундаги атамалардан фойдаланилади:

Суфурталовчи - умумий суфурта соҳасининг тегишли классли бўйича суфуртани амалга ошириш учун лицензияга эга бўлган ва суфурта шартномасига мувофиқ суфурта товони тўловини амалга ошириш мажбуриятини оловчичи тизкорат ташкилоти – «MY-INSURANCE» АЖ СТ.

Суфурта қилдирувчи – Суфурталовчи билан суфурта шартномасини тузган ва Суфурталовчи билан аниқ суфурта муносабатларига киравчи, ўзининг мулкий манфаатларини суфурталаётган, кредит шартномаси бўйича қарз оловчичи ёки гаровга қўювчи юридик ёки жисмоний шахсdir.

Наф оловчичи (Банк) – Суфурта қилдирувчи томонидан суфурта шартномаси бўйича суфурта тўловларини олиш хукуқини оловчичи томон яъни «МАДАДИНВЕСТБАНК» АТБ.

Кредит шартномаси – ушбу Суфурта қоидаларига асосан расмийлаштирилган Суфурта полисида кўрсатилган фуқаролик-хукуқий шартномаси бўлиб, унга кўра Банк Қарз оловчига Кредит шартномасида назарда тутилган микдорда ва шартларда пул маблағларини (кредит) тақдим этиш мажбуриятини олади, шу ўринда Қарз оловчичи Банкга олинган пул маблағларини ўз вактида қайтариш ва у бўйича фоизларни тўлаш мажбуриятини олади.

Суфурта полиси – ушбу Суфурта қоидаларига асосан Суфурта мукофоти тўланганидан кейин Суфурта қилдирувчи ва Суфурталовчининг интегреллаштирилган тизимлари орқали электрон кўринишда бериладиган ҳамда Суфурта қоидалари бўйича Суфурта қилдиручининг мажбуриятлари кучга кирганини тасдиқловчи хужжат.

Суфурта пули – Суфурта шартномаси билан белгиланадиган, суфурта объекти суфурталанган, суфурта ҳодисаси содир бўлганда Суфурталовчи жавобгарлиги ҳажмининг чегарасини ўзида акс эттирувчи пул маблағлари микдори.

Суфурта товони – суфурта ҳодисаси хақиқатда суфурта шартномасида келишилган холатларда содир бўлганда суфурталанган мол-мулкка етказилган заарни қоплаш учун суфурта пули чегарасида тўланадиган пул маблағи.

Суғурта мукофоти – суғурта учун тўлов бўлиб, уни Суғурта қилдирувчи ушбу Суғурта қоидаларида баён қилинган тартибда ва муддатларда Суғурталовчига тўлаши шарт.

Суғурта даври – суғурта полисида кўрсатилган давр бўлиб, унинг мобайнида содир бўлган суғурта ходисалари юзасидан суғурталовчининг суғурта товонини тўлаш мажбуриятлари амалда бўлади.

Хайдовчи – Суғурталанган транспорт воситасини бошқаришга рухсат берадиган тоифали ҳайдовчилик гувоҳномасига ва Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун хужжатларига мувофиқ суғурталанган транспорт воситасини бошқариш рухсатномасига (ишончнома ва/ёки йўл варафига) эга бўлган шахс.

Географик ҳудуд – Суғурта полиси амалда бўладиган даврда Шартнома бўйича, агар бошқа шартлар келишилмаган бўлса, Географик ҳудуд бўлиб Ўзбекистон Республикаси хисобланади.

Суғурта қилинган ТВ – гаров шартномасига асосан, суғурта қилдирувчи томонидан Банк олдидаги кредит шартномаси бўйича ўз мажбуриятларини бажариши таъминоти бўлган транспорт воситасидир (кредит шартномасининг гаров предметидир).

Суғурта ходисаси – амалда юз берган ва ушбу Суғурта қоидаларида назарда тутилган ходиса бўлиб, у юз бериши билан Суғурталовчининг ушбу Суғурта қоидалари шартларига мувофиқ суғурта товонини тўлаш мажбурияти юзага келади. Ҳодисалар:

– **Йўл-транспорт ҳодисаси** – Транспорт воситасининг йўлдаги қатнови жараёнида содир бўлиб, одамларнинг ўлими ёки уларнинг соғлиғига зарар етишига, транспорт воситалари, иншоотлар, юклар шикастланишига ёки бошқача тарзда транспорт воситасига моддий зарар етказилишига сабаб бўлган ҳодиса.

– **Портлаш** – газ ёки буғларнинг кенгайишига асосланган, катта миқдордаги энергиянинг шиддат билан отилиб чиқиши. Резервуар портлаши бўлиб резервуар ичкарисида ва ташқарисидаги босим тенглашишига олиб келдиган даражада резервуар деворларининг ёрилиши. Агар резервуар ичидаги кимёвий реакциянинг тез кечиши натижасида портлаш содир бўлса, унинг деворлари ёрilmagan бўлса ҳам, бундан етказилган зарар суғурта билан қопланади. Вакуум ёки газларнинг сийраклашиши натижасида етказилган зарар суғурта қилинмайди (ички муҳит).

– **Яшин уриши** – мол-мулқдан маҳрум бўлишга (нобуд бўлишига) олиб келувчи, унга яшиннинг тўғридан-тўғри тегиши (яшин – булутлар ўртасидаги ёки булат ва ер ўртасидаги электр разряди). Яшиннинг иссиқ таъсири ва яшин оқибатида ҳаво босими таъсири ҳам суғурта билан қопланади.

– **Зилзила** – ер қарида мунтазам содир бўладиган, ернинг устки қисми силкиниши ва тебраниши билан кузатиладиган табий жараёнлар натижаси.

– **Сув тошқини** – дарё, кўл, денгиз сатхининг кўтарилиши ёки дамба, тўғон бузилиши натижасида худудни сезиларли даражада сув босиши.

– **Кўчки** – шамол ёки ерости сувларнинг таъсирида, қирғоқ ёнбағирларини ювилиши ва жинсларнинг оғирлик кучи таъсирида ёки зилзила натижасида тоғ жинсларининг қулаши.

– **Ер силжиши** – дengizlar, kўllar, darёlar, жарликлар яқинида, чуқурликларнинг, каналарнинг тик қияликлари, шунингдек тоғларда ўз оғирлик кучи таъсирида ер массасининг секин силжиши.

– **Довул** – тезлиги 32 м/с дан ортиқ бўлган кучли шамол. Шамол тезлиги Ўзбекистон Республикаси Гидрометмарказининг худудий муассасалари маълумотномалари билан тасдиқланади.

– **Дўл уриши** – дўлнинг бевосита таъсири оқибатида суғурталанган мол-мулқни ҳар қандай йўқотилиши ёки шикастланишини англаради.

– **Жала** – 12 соат ёки ундан кам вақтда 30 мм ёки ундан ортиқ катта миқдорда ёғингарчилик бўлиши билан кузатилган кучли ёмғир.

– **Қалин қор ёғиши** – бундай қор ёғиши ушбу худуд учун камдан-кам (ғайриоддий) ҳолат бўлиши шарти билан қисқа вақт оралиғида одатдагидан кўп миқдорда – 12 соат ва ундан кам вақтда 20 мм ва ундан кўп қор ёғиши. Хўжасизлик сабабли секин-аста кўп миқдорда қор тўпланиши қалин қор ёғишидан фарқланади.

– **Сел** — тоғ водийлари, сойлар ва жарлардан оқиб келадиган, катта вайронгарчилик кучига ега бўлган қисқа муддатли лойқа ёки лойқатош аралаш кучли сув оқими. Қорларнинг жадал ериши, кучли жала ёғиши натижасида тоғлардан бошланадиган кичик дарё ва сойлар ҳавзаларида содир бўлади.

– **Чақмоқ** — атмосферада юз берадиган учкунли электр разряди. Булутлар билан булутлар орасида ёки булутлар ер орасида хосил бўлади.

– **Зилзила, ер қимирилаш** — Ер пўстида ёки мантиянинг юқори қисмида тўсатдан силжиш, синиш ёки ўпирлиш рўй бериши оқибатида вужудга келадиган ва тўлқинсимон тебранишлар тарзида узоқларга тарқаладиган ер ости силкинишлари ва тебранишлари.

– Учувчи воситаларнинг қулаши – учувчи аппаратлар, уларнинг қисмлари ёки юклари тушиши натижасида сұғурталанган мол-мулкни ҳар қандай бевосита йүқотилиши ёки шикастланишини англатади.

– Учинчи шахсларнинг ноконуний ҳаракатлари – Сұғурталанган транспорт воситаси ёки унинг алоҳида қисмларининг учинчи (ўзга) шахслар томонидан ёндирилиши, синдирилиши, бузилиши, ўзлаштирилиши, шунингдек учинчи шахсларнинг қонунга зид/хукуқбузарлик/ноконуний ҳаракатлари натижасида йүқотилиши ёки шикастланиши.

Изоҳ. «Учинчи шахслар» деганда Сұғурта қилдирувчи билан шартномавий муносабатда бўлмаган ҳар қандай жисмоний ёки юридик шахс тушунилади. Сұғурта қилдирувчи, унинг оила аъзолари, унинг ходимлари, шунингдек Сұғурта қилдирувчининг номидан иш юритувчи жисмоний ва юридик шасхлар учинчи шахс ҳисобланмайди.

– Товар кўринишининг йўқотилиши – Сұғурта ҳодисаси натижасида олинган шикастланишларни, шунингдек об-ҳаво ва/ёки доимий таъсир этувчи омиллар натижасида юзага келган зарарни бартараф этиш мақсадида сұғурталанган транспорт воситасини таъмирлаш-тиклаш ишларини амалга оширилиши оқибатида транспорт воситасининг ҳақиқий қийматининг йўқотилиши ва/ёки бошқа зарарни англатади.

3-БЎЛИМ. СУҒУРТА ҲОДИСАЛАРИ

3.1. Ушбу Сұғурта қоидалари бўйича қуидаги ҳодисалар сұғурта ҳодисаси бўлиб ҳисобланади: сұғурта қилинган транспорт воситасини қуидагилар натижасида йўқотилиши ёки шикастланиши:

- табий ёнгин, портлаш, яшин уриш, сув тошқини, кўчки, ер силжиши, довул, дўл уриши, жала, қалин қор ёғиши, сел, чақмоқ, зилизила;
- учувчи воситаларнинг қулаши (дарахт, темир ва бошқалар);
- йўл-транспорт ҳодисалари;
- учинчи шахсларнинг ноконуний ҳатти ҳаракати;

3.2. Ушбу Сұғурта қоидаларида 3.1-бандида назарда тутилган сұғурта ҳодисаси юзага келиши муносабати билан сұғурта товонини тўлаш юзасидан Сұғурталовчининг мажбуриятлари Қарз олувчи томонидан ТВ белгиланган тартибда олинган кредит маблағи учун таъминот сифатида гаров шартномаси расмийлаштирилган пайтдан эътиборан бошланади ва Сұғурта полисида кўрсатилган сұғурта даври ўтиши билан тугайди.

3.3. Махсус қўшимча шарт:

Ушбу билан Шартнома бўйича томонлар мустақил қисмлар, тизимлар, боғловчи қисмлар, мосламаларга (олиб қочишига қарши ускуналар, автомагнитолалар, овоз кучайтиргичлар, карнай(динамик)лар, спорт дискалари, ҳар қандай турдаги антенналар) етказилган зарар, агар улар ишлаб чиқарувчи завод томонидан ўрнатилмаган, сұғурталанган транспорт воситаси тўпламига киритилмаган ёки ушбу Шартнома билан қўшимча жиҳоз сифатида сұғурталанмаган бўлса, мазкур Шартнома бўйича қопланмаслигини тасдиқлайдилар ва бунга рози бўладилар.

4-БЎЛИМ. ИСТИСНОЛАР

4.1. Мазкур сұғурта қоидаси бўйича сұғурталовчи қуидаги ҳолатларда Сұғурта қилдирувчининг юзага келган заарлари бўйича жавобгарлик олиб бормайди:

а) Сұғурта қилдирувчи/Хайдовчи ва/ёки Наф олувчининг сұғурта ҳодисасини келтириб чиқаришга қаратилган қасдан қилган ҳаракатлари (кредит олишдаги товламачилик, ноконуний тадбиркорлик, ўғирлик, фирибгарлик, ҳокимият ёки мансаб ваколатларини сунистемол қилиш, ёлғон, соҳта банкротлик).

б) сұғурталовчининг сўровига кўра сұғурта ҳодисасига тегишли бўлган зарур хужжатларни белгиланган муддатда 25 (йигирма беш) иш куни мобайнида тақдим этилмаса, мурожаат бўйича сұғурта даъво ишини кўриб чиқиш тўхтатилади.

4.2. Агар ҳодиса қуидагилар натижасида юз берса, у сұғурта ҳодисаси ҳисобланмайди:

а) исталган шаклдаги алкоголь, гиёхвандлик ёки токсик мастлиги ҳолатида ёки реакция тезлигини ва дикқатини пасайтирувчи дори препаратларининг таъсирида, қаттиқ чарчоқ ҳолатида бўлган Хайдовчининг ТВни бошқариши ёки тиббий кўриқдан (мастлик ҳолатини аниқлаш бўйича экспертизадан) ўтишдан бош тортса ёки ўтмаган бўлса;

б) ҳайдовчининг ёнгин ёки портлаш хавфи бўлган моддалар ва буюмларни сақлаш ва ташиш қоидаларини бузиши;

в) Ҳайдовчининг темир йўлдан ўтишда йўл ҳаракати қоидасини бузиши, светофорнинг тақиқловчи чироғида ҳаракатланиши ва йўлнинг қарама-қарши ҳаракат йўл тасмасига чиқиб ҳаракатланиши шу жумладан чиқиб кетиши;

г) Ўзбекистон Республикаси Йўл ҳаракати қоидаларининг 78, 79, 80, 81 бандларида кўрсатилган транспорт воситаларнинг тезлик ҳаракати қоидасини бузиши ва қувиб ўтиш, қизил чироқ, қарама қарши ҳаракатланиш қоидасини бузиш;

е) йўлнинг ҳаракат қисмининг нотекислиги ёки ёмон ҳолати, ўткир буюмларни босиб ўтиши туфайли шиналарнинг шикастланиши, агар уларнинг шикастланиши автотранспорт воситасининг шикастланишига ёки нобуд бўлишига олиб келмаган бўлса;

ё) сугурта қилинган ТВни Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқаришга ҳукуқи ва рухсати (хайдовчилик гувоҳномаси, ишончнома, йўл варақаси, мажбурий сугурта полиси ва бошқалар) бўлмаган шахс томонидан бошқарилиши. Мазкур банднинг қоидалари сугурта қилинган ТВ ўғирланган тақдирда қўлланилмайди.

ж) Йўл транспорт ҳодисаси содир бўлганда Суғарталовчи/Хайдовчи томонидан ушбу содир бўлган ҳодиса бўйича Ўзбекистон Республикаси вазирлар маҳкамасининг 2021 йил 27 сентябрдаги 609-сонли қарори билан тасдиқланган “Транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий сугурта қилиш қоидаларига киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар”га асосан “Йўл-транспорт ҳодисаси тўғрисидаги хабарнома” (Европротокол) тартиби бўйича расмийлаштирилиши.

4.3. Куйидагилар учун сугурта товони тўланмайди:

а) ТВга ўрнатилган ва унинг заводдаги бутланишига кирмайдиган қўшимча жиҳозускуналарнинг ўғирланиши, нобуд бўлиши ёки шикастланиши учун, агар ушбу қўшимча жиҳозускуналар сугурта шартномасининг жадвалида тегишли позиция бўйича махсус кўрсатилган бўлмаса. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда сугурталангтан транспорт воситасига газ баллон ускунасининг ўрнатилиши сугурта қилинган транспорт воситаси конструксиясининг ўзгариши ҳисобланмайди ва сугурталангтан транспорт воситасига сезиларли таъсир кўрсатадиган ҳолат ҳисобланмайди;

б) ТВнинг шикастланиши оқибатида унинг товар кўриниши йўқотилишидан қўрилган заарлар;

г) Сугурта қилдирувчи Суғарталовчига шикастланган ТВни ёки унинг қолдиқларини тақдим этишдан бош тортган ҳолда, улар қолдиқсиз нобуд қилиниши мумкин бўлган ҳолатлар бундан мустасно;

д) сугурталангтан ТВ давлат органларининг қарорига кўра олиб қўйилиши, мусодара, реквизития қилиниши, хатланиши ёки йўқ қилиниши оқибатида юз берган заарлар;

4.4. Суғарталовчи Суғурта қилдирувчи/Наф оловчига сугурта товонини тўлашни рад этишга ҳақлидир, агар:

а) Суғурта ҳодисаси сугурта шартномасида кўрсатилган географик зонадан ташқарида автотранспорт воситасидан фойдалангандан юз берган бўлса.

б) Суғурта қилдирувчи Суғарталовчини сугурта ҳодисаси юзага келганлиги ҳақида шартномада кўрсатилган вақтида 10 (үн) иш кунида ёзма хабардор қилмаган бўлса;

4.5. Агар ҳодиса куйидагилар оқибатида юзага келган бўлса, Суғарталовчи сугурта товонини ва сугурта пули суммасини тўлашдан озод этилади:

- ТВ бошқаришга ўргатиш мақсадида ёки мусобакаларда ва синовларда иштирок этиш, фойдаланиш;

5-БЎЛИМ. СУҒУРТА ПУЛИ ВА СУҒУРТА МУКОФОТИ

5.1. Мазкур қоида бўйича сугурта пули ҳар бир тузилаётган сугурта шартномаси бўйича алохида белгиланади.

5.2. Ушбу Шартнома бўйича сугурта мукофоти сугурта пулининг 0,5 (нол бутун ўндан беш) фойзни ташкил этади.

5.3. Суғурта мукофоти (ёки унинг биринчи қисми) Суғурта шартномаси имзоланган кундан бошлаб 3 (уч) иш кунидан ошмаган муддатда тўланиши шарт.

5.4. Ушбу Суғурта қоидаси бўйича барча ўзаро ҳисоб-китоблар Суғурта шартномасида кўрсатилган валютада амалга оширилади.

5.5. Суғурта пули (суммаси) миқдори Суғурта қилдирувчи, Суғарталовчига тақдим этадиган маълумотномасига кўра белгиланади. Суғурта пули сугуртага қабул қилинаётган мол-мулкнинг қийматидан кам қилиб белгиланган бўлса, сугурта ҳодисаси юз берганида Суғарталовчи Суғурта қилдирувчига/ Қарз оловчига у кўрган зарарни Ўзбекистон Республикаси ФКнинг 936-моддасига асосан сугурта пулининг сугурта қийматига бўлган нисбатига мутаносиб равишда қоплайди. Суғурта пули (суммаси) сугурта полиснинг 10-бандида кўрсатилади.

6-БЎЛИМ. СУҒУРТА ШАРТНОМАСИНИ КУЧГА КИРИШИ ВА АМАЛ ҚИЛИШИ МУДДАТИ.

СУҒУРТА ШАРТНОМАСИНИ ТУГАТИШ ВА БЕКОР ҚИЛИШ ТАРТИБИ.

6.1. Суғурта шартномаси томонлар ўртасида имзолангандан сўнг кучга киради ва суғурта полисида кўрсатилган даври давомида амалда бўлади.

6.2. Суғурталовчининг суғурта ходисаси содир бўлганда, суғурта товонини тўлаш мажбурияти суғурталовчига суғурта мукофоти тўланган сананинг эртаси кунидан бошлаб кучга киради.

6.3. Суғурта полиси суғурта мукофоти Суғурталовчининг хисоб рақамига келиб тушган санадан шакиллантирилади ҳамда тақдим қлиниади.

6.4. Суғурта полиси мазкур суғурта қоидаси доирасида ҳар бир Суғурта қилдирувчи бўйича анкета сўровига кўра индивидуал кўринишда тақдим қилиниади. Ҳар бир суғурта полиси мазкур суғурта қоидаси доирасида расмийлаштирилган алоҳида шартнома (полис) хисобланади.

6.5. Қарз оловчи қарз бўйича Банк олдидаги барча мажбуриятларини бажариб, суғурта қилинган ТВ нинг гаровини бекор қилганда ва Суғурта полисини бекор қилиш тўғрисида Суғурталовчига тегишли талаб билдирамаганда, Суғурта полиси унда кўрсатилган суғурта даври тугагунига қадар амалда бўлади ва ушбу давр ичida суғурта ходисаси содир бўлганда Қарз оловчи – Суғурта қилдирувчи суғурта товонини олиш ваколатига эга хисобланади.

6.6. Суғурта қилдирувчи/Қарз оловчи кредитнинг муддатидан олдин тўлиқ сўндирилиши муносабати билан ёки ушбу Суғурта қоидаларида назарда тутилмаган бошқа ҳолатлар бўйича Суғурта қоидаларига кўра расмийлаштирилган Суғурта полисини муддатидан олдин бекор қилиш тўғрисида талаб қилган тақдирда, суғурта мукофоти Суғурталовчининг харажатларини тўланган суғурта мукофотининг 25 фоизи микдорида чиқариб ташланган ҳолда суғурта мукофотининг қолган суммасидан суғурта даврининг тугамаган қисмига мутаносиб равишда қайтарилиши лозим. Суғурта қилдирувчи унинг фойдасига қайтарилиши лозим бўлган суғурта мукофоти суммасини Суғурталовчи билан тузилган/тузиладиган ўзининг бошқа суғурталаш шартномаларига тўлаш учун йўналтириш ҳақида Суғурталовчига мурожаат қилишга ҳақли бўлиб, бундай ҳолларда қайтариладиган сумма 25% микдордаги харажатларни чиқариб ташламаган ҳолда бундай шартнома ҳисобига олиниши мумкин.

6.7. Ушбу Суғурта қоидаларига кўра расмийлаштирилган Суғурта полиси тарафлардан бирининг ёзма аризасига кўра бекор қилиниши мумкин. Суғурта полисини бекор қилиш учун барча тарафларнинг розилиги талаб қилиниади. Суғурта полиси тарафлар ўртасида бекор қилиш тўғрисидаги келишув битими имзоланганидан сўнг бекор бўлади.

6.8. Суғурта қилдирувчининг ўз мажбуриятларини бузишдан келиб чиқсан ҳолда Суғурталовчи Суғурта шартномасини муддатидан илгари бекор қилишни талаб қилганида, тўланган суғурта мукофоти қайtарилмайди.

6.9. Агар ушбу Суғурта қоидалари бўйича Суғурталовчи суғурта товонини тўлов суммасидан қатъий назар тўлаган бўлса ёки унда суғурта ходисаси юз бериши муносабати билан суғурта товонини тўлашга доир мажбурият бўлса, суғурта мукофоти қайtарилмайди.

6.10. Ушбу Суғурта қоидалари қуйидаги ҳолларда тугатилади:

- амал қилиш муддати тугаганида;
- Суғурталовчи томонидан мажбуриятлар тўлиқ ҳажмда бажарилганида;
- Ўзбекистон Республикасининг қонун хужжатларида назарда тутилган бошқа ҳолларда.

7-БЎЛИМ. ТАРАФЛАРНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

7.1. Ушбу Суғурта қоидаларига асосан суғурта шартномаси амал қилиши даврида:

7.1.1. **Суғурта қилдирувчи** қуйидаги ҳуқуқларга эга:

а) ушбу Суғурта қоидаларига асосан суғурта амал қилиши даврида текин асосда ушбу Суғурта қоидалари бўйича маслаҳатлар олиш;

б) суғурта ходисаси юзага келганидан кейин ушбу Суғурта қоидалари шартларига риоя қилган ҳолда Суғурталовчидан ушбу Суғурта қоидалари бўйича ўз мажбуриятларини бажаришни талаб қилиш.

в) ТВга ўрнатилган қўшимча ускуналарни суғурталаш.

г) қўшимча келишув тузиш йўли билан суғурталовчи билан келишган ҳолда суғурта қоидасига ўзгаришлар, қўшимчалар киритиш.

7.1.2. **Суғурта қилдирувчи/Наф оловчининг мажбуриятлари:**

а) Суғурта ходисаси юзага келишини олдини олиш, кредит маблағларидан мақсадли фойдаланишини назорат қилиш учун барча чораларни кўриши;

б) Суғурталовчига Кредит шартномаси шартларида эҳтимол қилинган ўзгаришлар ҳақида, шу жумладан кредит мажбуриятида шахсларнинг ўзгарганлиги ҳақида хабар бериши;

г) Суғурталовчининг сўрови бўйича суғурта ҳодисаси юзага келганлиги фактини ва ҳолатларини аниқлаш учун зарур бўлган ҳар қандай маълумотларни ёки ахборотни хабар қилиши;

д) Юридик манзили ва банк реквизитлари ўзгарган тақдирда, бу ҳақда Суғурталовчига беш иш кунидан кечикмаган муддатда хабар бериши;

е) Суғарта қилдирувчи ва Наф оловчига ўртасида суғурталанаётган ТВ бўйича гаров шартномасини тузиш;

7.1.3. Қарз оловчи қўйидагиларни бажариши шарт:

а) зарарни камайтириш ва суғурталанган ТВни саклаб қолиш учун барча амалга оширилиши мумкин бўлган шу жумладан Суғурталовчи томонидан тавсия этилган чораларни кўриш.

б) ҳодиса рўй бергандан сўнг, бу ҳақда зудлик билан маҳсус ваколатли органларга маълум қилиш ва 72 соат ичida ҳар қандай мақбул йўл билан (телефон, факс, интернет тармоғи x.з.) Суғурталовчига хабар бериши, ҳодиса тавсилотлари ва зарар факти/микдорини аниқлашга имкон берадиган хужжатларни тақдим этиши шарт.

7.1.4. Суғурталовчи қўйидаги хуқуқларга эга:

а) суғурта қалтислиги ошишини келтириб чиқарувчи ҳолатлар юзага келганида ушбу Суғурта қоидалари шартларини ўзгартиришни ёки қалтислик ошишига мутаносиб равища кўшимча суғурта мукофотини тўлашни талаб қилиш;

б) Суғурта қилдирувчи томонидан ушбу Суғурта қоидаларида ва амалдаги қонун хужжатларида назарда тутилган ўз мажбуриятлари бажарилмаганида ёки лозим даражада бажарилмаганида суғурта товонини тўлашни рад этиш.

в) суғурталанган обьектнинг ҳолатини текшириш (мониторинг).

г) зарур бўлганда маҳсус ваколатли органларга суғурта ҳодисаси юз берганлик фактини ва сабабларини тасдиқловчи хужжат ва маълумотномаларни тақдим этиш хақида сўровнома юбориш.

д) суғурта товонини тўлашни суғурта ҳодисасини келтириб чиқарувчи барча шарт-шароитлар ойдинлашмагунга (жумладан-маҳсус ваколатли органларга юборилган расмий сўровномаларга ёзма равища жавоб олмагунга) қадар кечиктириш.

е) Суғурталовчининг сўровига асосан, шикастланган ТВни таъмирлашдан олдин Суғурталовчига кўздан кечириш учун тақдим этилмаганда, шунингдек ушбу қоидада кўзда тутилган мажбуриятлар бажарилмаганда суғурта товонини тўлаб беришни рад қилиш.

7.1.5. Суғурталовчи қўйидагиларни бажариши шарт:

а) Суғурта қилдирувчига/Қарз оловчига ушбу Суғурта қоидалари бўйича маслаҳатлар бериши;

б) ушбу Суғурта қоидаларида белгиланган муддатларда ва тартибда Суғурта полисини бериши;

в) Суғурта ҳодисаси юзага келганида Суғурта қилдирувчига/Наф оловчига (охиргисининг танловига кўра) ушбу Суғурта қоидаларида белгиланган муддатларда ва тартибда суғурта товонини тўлаши;

г) Суғурта қилдирувчи, Қарз оловчи ва уларнинг мулкий ҳолати ҳақидаги маълумотларни маълум қилмаслиги шарт, Ўзбекистон Республикасининг қонун хужжатларида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

8-БЎЛИМ. СУҒУРТА ДАҶВОСИНИ КЎРИБ ЧИҚИШ ТАРТИБИ.

8.1. Ушбу Суғурта қоидалари доирасида суғурта товонини тўлаш ҳақида Суғурталовчига қўйиладиган талабга асос бўлиши мумкин бўлган, 3.1-бандида кўрсатилган ҳодиса юз берганида Суғурта қилдирувчи қўйидагиларни бажариши шарт:

- Суғурталовчига ҳодиса юз берганлиги ҳақида у аниқланганидан эътиборан 10 (үн) иш кунидан кечикмай ариза бериши;

- Суғурталовчига зарар етказилганлиги факти ва микдорини аниқлашга имкон берувчи хужжатларни тақдим этиши шарт.

8.2. Суғурта қилдирувчи томонидан 3.1-банди бўйича суғурта товонини тўлашни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилинган тақдирда, Суғурта қилдирувчига у томондан ариза топширилган кундан эътиборан 15 (үн беш) кун ичida рад этиш сабаблари асосланган ҳолда ёзма билдиришнома юборилади.

Суғурта товонини тўлаш ҳақидаги аризага қўйидаги хужжатлар илова қилиниши керак:

а) суғурта полиси;

б) ҳайдовчилик гувоҳномасининг нусҳаси (зарур ҳолатларда суғурталовчининг талабига асосан асл хужжат тақдим қилинади);



в) транспорт воситасини рўйхатдан ўтказилганлиги тўғрисида гувохноманинг нусҳаси (зарур ҳолатларда сұғурталовчининг талабига асосан асл хужжат тақдим қилинади) ёки агар ТВ ҳали рўйхатдан ўтказилмаган бўлса, қайт этилган диллернинг счёт-маълумотномаси;

г) ишончнома ёхуд транспорт воситасини бошқариш хукуқини тақдим этувчи бошқа хужжат;

д) ҳодиса сабаблари ва ҳолатлари кўрсатилган ҳолда юз берган ҳодиса ҳолатлари юзасидан текширишни ўтказишга ҳақли бўлган ваколатли органлардан олинган иш хужжатлар (жиноят иши ёки маъмурий иш қўзғатилганлиги тўғрисидаги қарор, хайдовчиларни тиббий кўрикдан ўтказилганлиги тўғрисидаги (хайдовчи маст эмаслиги хакидаги) маълумотнома, ҳайдовчилар паспортларининг нусхалари);

е) тузилган хабарноманинг бир асл нусҳаси ва ҳайдовчининг хушёр ёки мастлик ҳолати текширилгани тўғрисида далолатноманинг нусҳаси агарда йўл-транспорт ҳодисаси содир бўлгани тўғрисида хабарнома тузилган бўлса;

ж) баҳолаш фаолиятини амалга ошириш учун лицензияга эга бўлган баҳолаш ташкилоти томонидан барча ишлар рўйхати, эҳтиёт қисмлар ва материаллар кўрсатилгани ҳолда тузилган моддий зарарни баҳолаш калькуляцияси, бунда уни ўтказилиши билан боғлиқ харажатлар Сұғурталовчи томонидан қопланмайди;

Ушбу Сұғурта қоидаларининг 8.3.-банди «а» - «е» кичик бандларида назарда тутилган хужжатлар улардан кўчирма нусха олинганидан ва уларнинг асл эканлиги тасдиқланганидан кейин Сұғурта қилдирувчига (ёки тақдим қилган бошқа шахсга) қайтариб берилади.

Сұғурта товони тўлаш бўйича даво иши Қарз оловчи аризани Сұғурта қоидаларининг 8.3. бандида кўрсатилган хужжатларни илова қилган ҳолда тақдим этган санадан эътиборан 15 (үн беш) календар куни ичida кўриб чиқилади. Агарда Қарз оловчи аризани Сұғурта қоидаларининг 8.3.-бандида кўрсатилган хужжатларни тўлиқ тақдим этмаса, З (уч) иш куни ичida Сұғурта қилдирувчига Қарз оловчига Сұғурталовчи ушбу хужжатларни тақдим этиш тўғрисида ёзма сўровнома тақдим этади.

8.3. Сұғурта қилдирувчи томонидан юз берган ҳар қандай йўқотишлар ва/ёки шикастланишлар ҳақида хабар берилганида Сұғурталовчи даъволарни кўриб чиқиш ва юз берган ҳодисасининг тури, сабаблари ва ҳолатларини тўлиқ ўрганиш учун ўз ходимини ёки бошқа шахсни йўллашга ҳақли.

8.4. Барча зарур ҳужжатлар олинганидан ва мазкур ҳодисага тааллуқли барча ҳолатлар ўрганилганидан кейин Сұғурталовчи томонидан юз берган ҳодисани сұғурта ҳодисаси деб топиш олиш ёки тан олмаслик ҳакидаги қарор чиқарилади.

8.5. Сұғурта ҳодисасига тегишли барча ҳужжатлар/ахборотлар/маълумотлар тақдим этилгандан кейин 15 (үн беш) иш куни ичida Сұғурталовчи содир бўлган воеани тан олиш ёки тан олмаслик ҳақида қарор қабул қиласи ва содир бўлган сұғурта ҳодисаси бўйича далолатнома тўзади.

8.6. Агар сұғурта ҳодисаси юзага келганлиги факти бўйича ваколатли Суд/идорада иш қўзғатилган бўлса, Сұғурталовчи сұғурта товонини тўлаш ҳақидаги масалани ҳал этишини ваколатли органлар томонидан тегишли қарор қабул қилиниши пайтига қадар кечикириш хукуқига эга.

8.7. Сұғурта ҳодисаси юз берганлигини, шунингдек унга етказилган заарларни исботлаш Сұғурта қилдирувчи зиммасига юклатилади.

8.8. Сұғурталанган ТВ бўйича сұғурта товони қуйидаги ҳолатларда тўлаб берилмайди:

8.9. Шартномада кўзда тутилмаган муддатда ва худудда ўғирланган бўлса.

8.10. Сұғурталовчига сўралган сұғурта обьекти ва шартлари тўғрисида нотўғри (ёлғон, тўлиқ эмас) ахборотни хабар қилса ва/ёки тақдим этса;

8.11. Сұғурталовчига кўрилган зарар ҳақида сұғурта шартномасида белгиланган муддатларда хабар бермаганлиги оқибатида зарарни келтириб чиқарган сабаб ва зарар микдорини аниқлашнинг имкони бўлмаса;

9-БЎЛИМ. СҰҒУРТА ТОВОНИНИ ТЎЛАШ

9.1. Ушбу Сұғурта қоидаларининг 3.1-бандида назарда тутилган сұғурта ҳодисаси юз берганида сұғурта товони Сұғурта қилдирувчи/Наф оловчига яъни “Мадад инвест банк” АТБга (охиргисининг танловига кўра) қуйидаги шартларга риоя қилинган ҳолда тўланади:

- Сұғурта қилинган ТВ ўғирланганида ёки тўлиқ нобуд бўлганида – ушбу Сұғурта қоидалари доирасида илгари тўланган барча сұғурта тўловларини (агар тўловлар амалга оширилган бўлса) чиқариб ташланган ҳолда сұғурта пули доирасида;

- Сұғурта қилинган ТВ шикастланганида – баҳолаш фаолиятини амалга ошириш учун лицензияга эга баҳолаш ташкилоти томонидан тузилган моддий зарарни баҳолашга доир наряд-буюртма/калькуляция суммаси микдорда;

Суғурталовчи шунингдек Суғурта қоидаларининг мазкур банди шартларига риоя қилган ҳолда суғурта қилинган ТВга суғурта ҳодисаси юзага келиши натижасида етказилган, ҳужжат билан тасдиқланган ва таъмирлаш-тиклаш ишлари жараёнида аниқланган яширин шикастланишларни бартараф қилиш билан боғлиқ харажатларни ҳам қоплади.

9.2. Ушбу Суғурта қоидалари бўйича суғурта товонини тўлаш суғурта ҳодисаси эътироф этилган ва Суғурта ҳодисаси тўғрисида далолатнома имзоланган кундан эътиборан 15 (ўн беш) иш кун ичida пул маблағларини олувчининг банк ҳисоб рақамига ўтказиш йўли билан амалга оширилади.

9.3. Агар зарар суммаси суғурта ҳодисаси юзага келишида айбдор бўлган шахс томонидан тўлиқ қопланган ва/ёки қопланаётган бўлса, Суғурта қилдирувчи/Қарз олувчи суғурта товонига бўлган ўз хукуқини йўқотади.

9.4. Суғурта қилинган ТВ га етказилган заарни ўрнини қоплаш юзасидан Суғурталовчи томонидан амалга оширилган суғурта товонининг ҳар бир тўлови, агар Суғурта қилдирувчи томонидан суғурта пулинни тиклаш учун қўшимча суғурта мукофоти тўланмаса, суғурта пулинни (Суғурталовчи мажбуриятларининг лимитини) бундай тўлов суммасига камайтиради.

10-БЎЛИМ. СУБРОГАЦИЯ

10.1. Кредит шартномасига кўра кредитни сўндириш мажбуриятини олган Қарз олувчидан талаб қилиш хукуқи Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 957-моддасига мувофиқ ушбу Шартноманинг 3.1-бандида назарда тутилган суғурта ҳодисаси натижасида юз берган Суғурта қилдиручининг заарини қоплаш ҳисобига суғурта товонини тўлиқ ёки қисман тўлаган Суғурталовчига у томондан тўланган сумма доирасида ўтади.

10.2. Етказилган заарда айбдор бўлган шахсга нисбатан талаб қилиш хукуқи Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 957-моддасига мувофиқ ушбу Шартноманинг 3.БЎЛИМДА назарда тутилган суғурта ҳодисаси натижасида суғурта қилинган ТВга етказилган заарни қоплаш ҳисобига суғурта товонини тўлиқ ёки қисман тўлаган Суғурталовчига у томондан тўланган сумма доирасида ўтади, бундан Қарз олувчи ёки суғурта қилинган ТВни бошқариш белгиланган тартибда рухсат берилган бошқа шахслар айбдор шахс бўлган ҳоллар мустасно.

10.3. Суғурта қилдирувчи ва/ёки Қарз олувчи Суғурталовчига барча ҳужжатлар ва далилларни бериши ҳамда Суғурталовчи томонидан Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 957-моддаси талабларига биноан унга ўтган хукуқни амалга ошириш учун зарур бўлган барча маълумотларни Суғурталовчига хабар қилиши шарт.

10.4. Агар Қарз олувчи ёки суғурта қилинган ТВни бошқариш рухсат берилган бошқа шахс Суғурталовчи томонидан қопланган заарда айбдор бўлган шахсга нисбатан талаб қилиш хукуқидан воз кечса ёки ушбу хукуқни амалга ошириш уларнинг айби билан мумкин бўлмаса, Суғурталовчи суғурта товонини тўлашдан тўлиқ ёки тегишли қисмida озод этилади ва суғурта товонининг тўланган суммаси қайтариб берилишини талаб қилишга ҳақли.

11-БЎЛИМ. ТАРАФЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

11.1. Тарафлар ўз зиммасига олган мажбуриятларни бажармаганликлари ёки лозим даражада бажармаганлиги учун Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ жавобгар бўлади.

11.2. Суғурта мукофоти ўз вақтида тўланмаган тақдирда, Суғурталовчи Суғурта қилдирувчига ҳар бир кечикирилган кун учун тўланмаган суғурта мукофоти суммасидан 0,1% миқдорида, лекин кечикирилган суммасининг 10% идан кўп бўлмаган миқдорда пеня ҳисоблашга ҳақли.

11.3. Суғурта товонини тўлаш муддатига амал қилинмаганда, Суғурталовчи ҳар бир кечикирилган кун учун 0,1% миқдорда, лекин суғурта товони суммасининг 10% идан кўп бўлмаган миқдорда пеня тўлайди. Пенянинг тўланиши Суғурталовчини суғурта товонини тўлаш мажбуриятидан озод қилмайди.

11.4. Суғурталовчи, Наф олувчи ва Суғурта қилдирувчи маълумотларни ошкор қилмаслик ҳақида жавобгар бўлади ва ушбу Суғурта қоидаси, иловалар ва мазкур Суғурта қоидаси билан боғлиқ бошқа ҳужжатларнинг мазмунини тегишли тарафнинг дастлабки тарзда олинган ёзма розилигисиз ҳар қандай учинчи тарафга ошкор қилмайди.

12-КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ ШАРТЛАР

12.1. Тарафлар ушбу шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажараётганда уларнинг ҳар бири ўз фаолиятида коррупцион харакатларни тўлиқ таъкидлаш ва ҳар қандай шаклда ёрдам

(бевосита ёки билвосита), шу жумладан пул маблағлари, қимматбаҳо буюмлар, бошқа мол-мулк ёки мулкий характердаги хизматлар, бошқа мулкий ҳуқуқларни олиш/бериш, муайян масалаларни тезроқ ҳал қилишни таъминлаш, маъмурий ва бошқа тартиб-қоидаларни соддалаштириш, рақобат ва бошқа афзаликларни таъминлашни тўлиқ рад этади. Томонлар ўз фаолиятида амалдаги қонунчилик, шунингдек унинг асосида ишлаб чиқилган коррупцияга қарши курашишга қаратилган сиёсат ва тартиб (агар мавжуд бўлса) талабларига амал қиласидар.

12.2. Тарафлар ушбу шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажариш чоғида на ўzlари, на ижроия органи, на уларнинг масабдор шахлари ёки ходимлари бирон-бир шахсларга (жумладан, жисмоний шахслар, тижорат ташкилотлари ва давлат мансабдор шахслари) коррупцион тўловларни тақдим этишини таклиф қиласигини, тақдим этмасигини, розилик бермасигини, шунингдек ҳар қандай шахсдан (тўғридан-тўғри ёки билвосита) ҳар қандай коррупцион тўловларни олишга ёки қабул қилишга рози бўлмасликларини кафолатлади.

12.3. Мазкур бўлимнинг бирон бир шартлари бузилган тақдирда, тегишли тараф бошқа тарафни бундай бузилиш содир бўлган қундан бошлаб 5 (беш) иш қуни ичида ёзма равишда хабардор қилиш мажбуриятини олади. Тараф ёзма хабарномада ушбу бўлимнинг қайси бир қоидалари бузилганлигини тасдиқловчи ишончли фактлар ва материалларни тақдим қилиши шарт.

12.4. Ушбу бўлим қоидалари тарафлардан бири томонидан бузилганлиги факти тасдиқланганда ва/ёки бошқа тарафнинг қоидабузарликларни кўриб чиқиш ҳақида хабарнома натижалари юзасидан маълумот тақдим қиласиган тақдирда, бошқа тараф шартномани бир тарафлама қисман ёки тўлиқ бекор қилишга ҳақли.

12.5. Мазкур шартномани коррупцияга қарши шартларга асосланиб бекор қиласиган тараф, бундай бекор қилиш натижасида етказилган ҳақиқий зарарни талаб қилишга ҳақли. Заарларни қоплаш тарафлар томонидан ёзма равишда тасдиқланаган далолатномада белгиланган муддат ва миқдорда амалга оширилади.

13-БЎЛИМ. ФОРС-МАЖОР ҲОЛАТИ

13.1. Тарафлар форс-мажор ҳолатлар амал қилиши даврида ушбу Суғурта қоидалари бўйича ўз мажбуриятларини қисман ёки тўлиқ бажармаганликлари учун жавобгар бўлмайди.

13.2. Форс-мажор ҳолатларга табиий ҳодисалар (зилзилалар, ер кўчишлари, довуллар, кургоқчиликлар ва Суғурта қоидаларида назарда тутилмаган санаб ўтилмаган бошқа табиий оғатлар) ёки ижтимоий-иктисодий ҳолатлар (ҳарбий ҳаракатлар, иш ташлашлар, қамаллар, давлат ташкилотлари томонидан қўйилган ёки давлатлар ўргасидаги чекловчи ва тақиқловчи чора-тадбирлар, шунингдек ҳуқумат қарорлари ва бошқалар), агар улар Суғурта қоидаларини бажарилишига бевосита таъсир қиласиган бўлса) келтириб чиқарган фавқулодда, бартараф қилиб бўлмайдиган ва ушбу шароитларда назарда тутиб бўлмайдиган ҳолатлар тааллуқли бўлади.

13.3. Форс-мажор ҳолатлар юзага келсан тақдирда, тарафлар томонидан мажбуриятларни бажарилиши муддати форс-мажор ҳолатлар амал қиласидан вақтга мутаносиб равишда кейинга қолдирилади. Бунда Тарафлар белгиланган тартибда ушбу Суғурта қоидалари бўйича мажбуриятларнинг бажарилган ва бажаримаган қисмлар бўйича якуний ҳисоб-китобни амалга оширади.

14-БЎЛИМ. БОШҚА ШАРТЛАР

14.1. Ушбу Суғурта қоидаларида баён қилинмаган барча ҳолатларда Тарафлар Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси, «Суғурта фаолияти тўғрисида», «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунлари ва Ўзбекистон Республикасининг амалдаги бошқа конун ҳужжатларига амал қиласидар.

14.2. 14.5. Ушбу Суғурта қоидаларидан келиб чиқадиган барча низолар ва келишмовчиликлар музокаралар йўли билан, келишувга эришилмаган тақдирда эса суд тартибида ҳал қилинади.

14.3. 14.7. Ушбу Суғурта қоидалари бир хил кучга эга икки нусхада тузилган бўлиб, уларнинг бири Суғурталовчида иккинчиси эса Суғурта қилдирувчида сақланади.

	No _____ "Гаровга қўйилаётган транспорт воситасини суғурталаш" шартномаси	" ____ 20 ____	
1. Суғурталовчи:			
2. Наф олувчи:			
3. Суғурта қилдирувчи/Қарз олувчи: тўлиқ реквизитлари, манзили, тел рақами			
4. Умумий қоидалар:	Мазкур қоида Ўзбекистон Республикаси қонунчилик нормаларига асосан «MY INSURANCE» АЖ (кейинчалик матнда – Суғурталовчи деб юритилади) томонидан ишлаб чиқилиб, «Мадад Инвест банк» АТБ билан келишилган бўлиб, "Гаровга қўйилаётган мол-мулкни суғурталаш" Қоидалари (кейинчалик матнда – Суғурта қоидалари деб юритилади) доирасида суғурталаш хизматларини кўрсатиш тартиб ва шартларини белгилайди.		
5. Суғурта объекти:	Суғурта обьекти бўлиб, Суғурта қилдиручининг гаровга қўйилаётган транспорт воситасини суғурта ходисаси натижасида юзага келган заарлари билан боғлиқ мулкий мағфатлари ҳисобланади.		
6. Кредит шартномаси:			
7. Кредит миқдори:	(_____) сўм		
8. транспорт воситаси тўғрисида маълумот:			
9. Суғурта ходисаси:	10. Суғурта суммаси	11. Суғурта мукофоти	12.транспорт воситасининг қиймати
Шартнома бўйича қўйидагилар суғурта ҳодисалари ҳисобланади:			(_____) сўм
йўл транспорт ҳодисалари, учувчи воситаларнинг қулаши, учинчи шахсларнинг ноқонуний хатти-харакатлари, табиий оғатлар: табиий ёнгин, портлаш, яшин уриш, сув тошқини, кўчки, ер силжиши, довул, дўл уриши, жала, қалин қор ёғиши. сел, чақмоқ, зилзила	(_____) сўм	(_____) сўм	
13. Суғурта мукофотини тўлаш ва электрон суғурта Полисини бериш тартиби:	Суғурта мукофоти Суғурта қилдирувчи/Қарз олувчи томонидан шартнома имзоланган кундан бошлаб, 3 (уч) кун ичida суғурta шартномасининг бутун даври учун бир йўла тўлиқ тўланади. Суғурта мукофоти тўланган кун деб, Суғурталовчининг банк ҳисоб рақамига келиб тушган кун ҳисобланади. Суғурта мукофоти тўлангандан сўнг 24 (йигирма тўрт) соат ичida Суғурта қилдирувчи/Қарз олувчининг шартномада кўрсатиб ўтилган телефон рақамига электрон полисга ҳавола юборилади.		
	Қоидалар "Суғурталовчи" ва "Наф" ва олувчилар томонидан имзоланади ва унинг нусхаси (сканер варианти) ушбу қоиданинг 1-иловасида келтирилган Шартномага ҳавола (QR-код) орқали жойлаштирилади. Кредит шартномасига асосан "Қарз олувчи" деб юритилувчи томон мазкур ҳавола орқали ушбу Қоида шартлари билан тўлиқ танишиб чиқсан ҳолда, Шартномани имзолаши мазкур Қоидалар шартларига тўлиқ розилигини билдиргани ҳамда ушбу Қоидаларда учинчи томон яъни "Қарз олувчи" сифатида иштирок этиш истагини билдиргани ҳисобланади.		
14. Суғурта ҳудуди: суғурта ҳудудида жойлашган бино ва иншоотлар, савдо ускуналари, мебел, оғис жихозлари, сотиш учун товарлар ва ҳ. к. ҳисобланади.	15. Шартноманинг амал қилиш муддати: Шартнома имзоланган вақтдан бошлаб кучга киради	202 га қадар амал қиласди.	16. Шартнома бўйича суғурта муддати Қоидаларнинг 6-бўлимига мувофиқ белгиланади ҳамда суғурта полисида кўрсатилиади.
17. Шартноманинг маҳсус шартлари	1. Суғурта пули суғуртага қабул қилинаётган мол-мулкнинг қийматидан кам қилиб белгиланган бўлса, суғурта ҳодисаси юз берганида Суғурталовчи Суғурта қилдирувчига/ Қарз олувчига у иўрган заарни Ўзбекистон Республикаси ФКнинг 936-моддасига асосан суғурта пулининг суғурта қийматига бўлган нисбатига мутаносиб равишда қоплади. 2. Томонлар мазкур Шартнома ва Қоидаларга мувофиқ ҳуёқ ва мажбуриятларга эгадирлар. 3. Шартнома қўйидаги ҳолларда бекор қилинади: а) Суғурталовчи Қоидаларда назарда тутилган мажбуриятларни тўлиқ бажарган (суғурта суммаси доирасидаги суғурта товонини тўлаган) тақдирда; б) агар қарз олувчи томонидан Кредит шартномаси бўйича мажбуриятлар тўлиқ бажарилган (муддатидан олдин бажарилган) тақдирда; в) Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигида назарда тутилган бошқа ҳолларда. 4. Томонлар ўз мажбуриятларини бажармаганлиги ёки лозим даражада бажармаганлиги учун Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигида мувофиқ жавобгар бўладилар. 5. Шартномани бажариш жараённида юзага келиши мумкин бўлган низо ва келишмовиликлар Томонлар ўртасида музокаралар йўли билан ҳал қилинади. Низоларни музокаралар йўли билан ҳал қилишнинг имкони бўймаган тақдирда, Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида белгиланган тартибида Тошкент туманлараро иқтисодий судига мурожаат қиласди.		

8. Шартноманинг бошқа шартлари

Қоидаларни линк _____ босиши ёки QR-кодни сканерлаш орқали ўқиш ва юклаб олиш мумкин.
Қоидаларда мавжуд бўлган ва Шартнома (полис) матнида акс эттирилган шартлар Суғурталовчи, Суғурта қилдирувчи/Қарз олувчи ва Наф олувчи учун мажбурийдир. Келишувни имзолаш орқали Томонлар Қоидалар шартлари билан таниш эканликларини ва тўлиқ розиликларини тасдиқлайдилар. Мазкур Шартномада назарда тутилмаган барча бошқа масалаларда томонлар Ўзбекистон Республикасининг қонун ва қонунларига амал қиласидилар.

Суғурталовчи:

Наф олувчи:

Қарз олувчи:

Суғурта қоидалари билан <https://uz> веб-сайти
орқали ўқиб чикканлигимни тасдиқлайман
www._____уз
ва QR кодини сканерлаш орқали.

ИМЗО

йилдаги
-сонли "Гаровга қўйилаётган
транспорт воситасини сұғурталаш"
Қоидаларининг Сұғурта полиси

2-иловаси

Электрон шаклдаги сұғурта полисининг намунаси

No **СҰҒУРТА ПОЛИСИ**

Ушбу сұғурта полиси "Гаровга қўйилаётган транспорт воситасини сұғурталаш" Қоидалари шартлари бўйича Сұғурта шартномаси тузилганинги тақдиқлайди

Полисни
хақиқийлигини
текшириши учун QR
кодни сканерланг

yili masdiklanngan "Гаровга қўйилаётган мол-мулкни сұғурталаш" Қоидалари сұғурта полисининг ажралмас қисми хисобланади ва

www.uz/rules https://хаволаси орқали ёки QR-кодни сканерлаши орқали танишиши имконияти мавжуд

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги хузуридаги Сұғурта бозорини ривожлантириш агентлигининг 2022 йил 25 февралдаги SF серияли 00037-сонли лицензия асосида фаолият юритувчи «**«MY-INSURANCE» АЖ СТ** ва умумий сұгуртанинг 8 ва 9 -класлари бўйича Сұғурта қоидалари, шунингдек №_____ Сұғурта шартномасига мувофик сұгурта копламасини таъминлайди:

1.	Наф олувчи	Банк филиал номи
2.	Сұғурта қилдирувчи/Қарздор	Тўлиқ маълумотлари, реквизитлари, манзили, тел
3.	Кредит шартномаси	No____ ва сана ____
4.	Транспорт воситаси тўғрисида тўлиқ маълумот	
5.	Траспорт воситасининг хақиқий қиймати	
6.	Сұғурта худуди:	Ўзбекистон Республикаси
7.	Сұғурта шартномаси:	No____ ва сана ____
9.	Сұғурта ҳодисаси:	Шартнома бўйича қўйидагилар сұғурта ҳодисалари ҳисобланади: йўл транспорт ҳодисалари, учувчи воситаларнинг қулаши, учинчи шахсларнинг ноқонунний хатти-харакатлари, табиий оғатлар: табиий ёнғин, портлаш, яшин уриш, сув тошқини, кўчки, ер силжиши, довул, дўл уриши, жала, қалин қор ёғиши. сел, чақмок, зилзила
10.	Сұғарта суммаси:	
11.	Сұғурта мүкофоти:	
12.	Сұғурта муддати:	Гаров шартномаси расмийлаштирилган санадан бошлаб “____” _____ 202_ гача

Берилган санаси: _____. й.

Сұғурталовчи: _____